

tibga solish va barqaror iqtisodiyotni ta'minlashda katta ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa, bank tizimida iqtisodiy qarorlarni qabul qilish jarayoniga bu omilni joriy etish barqaror bank moliya-kredit tizimining garovidir.

Bundan tashqari iqdisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida respublikamiz tijorat banklarning kreditlash amaliyotidagi ayrim muammolarning mavjudligi ko'zga tashlanmoqda. Jumladan,

respublikamiz banklarida kreditlash shakllaridan to'laqonli foydalanilmayotganligi, mijozlarning kreditga layoqatlilagini baholash borasida sezilarli kamchiliklarning mavjudligi, tijorat banklari kredit siyosatini tadqiq qilishda jahon tajribasidan keng foydalanilmayotganligini aytish mumkin. Ushbu sohadagi muommolarning yechimi sifatida xulq-atvori omillarini joriy etish orqali bank-moliya tizimida samardorlikni oshirish mumkin.

Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Katona, George and Eva Mueller. *A Study of Purchase Decisions. In Consumer Behavior: The Dynamics of Consumer Reaction*, L. H. Clark, ed. New York: New York University Press, 1954.
2. Day, George S. and William K. Brandt. *A Study of Consumer Credit Decisions: Implications for Present and Prospective Legislation*. In National Commission on Consumer Finance: Technical Studies, vol. 1. Washington, DC: US Government Printing Office, 1973.
3. Simon Herbert, Behavioural A. Model of Rational choice. *Quarterly Journal of Economics*, 69 (February 1955): 99-118.
4. Agarwal S., Chomsisengphet S., Lim C., Lo AWand Merton RC (2017) What Shapes Consumer Choice and Financial Products? A Review. *ANNUAL REVIEW OF FINANCE ECONOMICS VOLUME 9*. Pages 127-46.
5. Kahneman, D.; Tversky, A. *Intuitive Prediction: Biases and Corrective Procedures*; Cambridge University Press (CUP): Cambridge, UK, 1982; pp.414-42);
6. Kahneman D., Tversky A., Prospect Theory. An Analysis of Decision Making Under Risk. Defense Technical Information Center: Fort Belvoir, VA, USA, 1977; pp. 99-127.
7. Richard H. Thaler, *MISBEHAVING. THE MAKING OF BEHAVIORAL ECONOMICS*, 2015, 37 p.
8. Katona George. *Psychological Economics*. -New York: Elsevier Scientific Publishing, 1975.
9. Misbehaving: The Making of Behavioral Economics, Richard H. Thaler, 2017. 41p.
10. Atkinson, A. *Measuring Financial Literacy: Results of the OECD INFE Pilot Study*, OECD Working Papers on Finance, Insurance and Private Pensions; OECD Publishing: Paris, France, 2012. <https://www.oecd.org/about/>, 17 March 2021.
11. Bhattacherjee A. *Social Science Research: Principles, Methods and Practices*; University of South Florida: USA 12.
12. Luksander A., Németh E., Zsótér B. *Financial personality types and attitudes that affect financial indebtedness*. *Int. J. Soc. Sci. Educ. Res.* 2017, 2, 4687-4704.
13. OECD (2016), "OECD/INFE International Survey of Adult Financial Literacy Competencies", OECD, Paris, www.oecd.org/finance/OECD-INFE-International-Survey-of-Adult-Financial-Literacy-Competencies.39-40



МОЛ-МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мусалимов Шухрат Исамухамедович -

PhD, Тошкент молия институти тадқиқотчisi

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a35

Аннотация. Бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш, хусусий мулк дахлисизлигини таъминлаш, мол-мулк солигини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш бўйича муносабатлар долзарб масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун ушбу солиқ тuri бўйича ҳар доим замонавий тадқиқотлар ва ислоҳотларни ўтказиш талаб этилади. Мақолада мол-мулк солигининг мазмун-моҳияти, уни ҳисоблаш тартиби, ташкил этиши муҳимлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулк солигини ундириш бўйича мавжуд вазият, мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган бўлиб, мол-мулк солигини ундириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калим сўзлар: мулк, кўчмас мулк, мол-мулк солиги, солиқ тизими, юридик шахс, жисмоний шахс, солиқ имтиёзи, баҳолаш.

НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ИМУЩЕСТВА

Шухрат Исамухамедович Мусалимов -

PhD, соискатель Ташкентского финансового института

Аннотация. На сегодняшний день актуальными вопросами являются отношения по поводу развития предпринимательства, собственности на средства производства, обеспечения неприкосновенности частной собственности, исчисления и перечисления в бюджет налога на имущество. Поэтому всегда необходимо проводить современные исследования и реформы по этому виду налога. В статье анализируются сущность налога на имущество, порядок его исчисления, значение организации и его особенности. Также проанализирована текущая ситуация по взиманию налога на имущество юридических и физических лиц, мнения отечественных и зарубежных ученых, сформулированы предложения и рекомендации по взиманию налога на имущество.

Ключевые слова: имущество, недвижимость, налог на имущество, налоговая система, юридическое лицо, физическое лицо, налоговый кредит, оценка.

DIRECTIONS FOR IMPROVING PROPERTY TAXATION

Musalimov Shukhrat Isamuhamedovich -
PhD, researcher of Tashkent Institute of Finance

Abstract. Today, relations regarding the development of entrepreneurship, ownership of means of production, ensuring the integrity of private property, calculation of property tax and transfer to the budget are urgent issues. This type of tax always requires modern research and reforms. The article analyzes the essence of property tax, its calculation procedure, importance of organization and its specific features. Also, the current situation regarding property tax collection of legal entities and individuals, the opinions of our country and foreign scientists were analyzed, and suggestions and recommendations on property tax collection were formulated.

Keywords: property, real estate, property tax, tax system, legal entity, individual, tax incentive, assessment.

Кириш. Бугунги кунда амалга оширилаёт-ган ислоҳотлар тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик масалаларига бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқариш воситаларидан тўғри фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уларни тасарруф этишда давлат мулкидан хусусий мулкчиликка ўтиш жараёни ҳали ҳам давом этмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишбилармонларнинг ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлизилигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси эканлигини таъкидлаши[1] диққатга молиқдир. Шу муносабат билан мол-мулк солиғи ундирилишини такомиллаштиришда асосий эътибор мулкчиликка бўлган муносабатни янада ривожлантиришга, ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантиришга хизмат қилиши зарур.

Халқаро даражада олиб қаралганда ҳам мол-мulkни солиққа тортиш мухим аҳамиятга эга. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) маълумотларига кўра, 2020 йилда ЯИМда нисбатан мол-молк солиғи ҳиссаси Канадада 4,2 фоиз, Жанубий Кореяда 4 фоиз, Францияда 4 фоиз, Буюк Британияда 3,9 фоиз, Люксембургда 3,8 фоиз, Бельгияда 3,5 фоиз, Грецияда 3,1 фоиз, АҚШда 3 фоиз, Истроилда 2,9 фоизни ташкил этмоқда[2]. Шу билан бирга, мулкдорлар томонидан мулкдан самарали фойдаланишга эришишда солиқлар воситасидан фойдаланиш, мулкий солиқлар тушумининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улушкини ошириш борасида қатор таъсирчан чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бозор муносабатларининг чукурлашуви ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари барқарор ривожланиши ва уларнинг рақобат-бардошлилигини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида мол-мулк қийматини баҳолашни доимий равища таомиллаштиришни талаб этади.

Жаҳон амалиётида мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ундириш механизmlарини такомиллаштиришга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотларда ушбу солиқларни унификация қилиш орқали кўчмас мулк солиғининг жорий этили-

ши билан маҳаллий бюджет даромадини тўлдирувчи манба сифатида солиқни ҳисоблаш ва ундириш механизmlарини соддалаштиришга эришилган. Лекин мазкур тадқиқотларда ер ва молмулк солиқларини ҳисоблаш хусусиятлари, маҳаллий бюджет даромадларини оширишда кўчмас мулк солиғидан оқилона фойдаланиш йўллари ҳамда солиқларнинг солиқ тўловчилар молиявий фаолиятига таъсири каби масалаларнинг чукур таҳлил этилмаганлиги бу борада тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқарди.

Адабиётлар таҳлили. Хўжалик субъектлари ўз фаолиятларини юргизишда меҳнат маҳсали бўлмиш мулқдан кенг фойдаланади. Умуман, иқтисодий формациялардан қатъи назар жамият ўзига зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун меҳнат воситалари ва меҳнат буюмларидан кенг фойдаланади. Аввало, меҳнат воситалари деб, маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган меҳнат қуроллари ҳамда шу ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган, лекин унинг учун маълум шароитлар яратиб, уни ташкил қилишга узоқ муддат хизмат қиласидан мулкларга айтилади. Уларга иморатлар, жиҳозлар, транспорт воситалари, уй-жой иншоотлари ва ҳоказолар киради.

М.Киазолу таъкидлашича, иқтисодчилар ва мутахассислар мол-мулк солиғини барқарор даромад келтирувчи ва қочиш қийин бўлган солиқ тури сифатида эътироф этишади [3]. Ҳар бир давлатда мол-мулк солиғи икки асосий қисмдан, яъни солиқ базаси ва солиқ ставкасидан иборат [4-5].

Хорижлик Agnesa Jashari ўз тадқиқотида мол-мулк солиғини ҳуқумат ва жамият хатти-ҳаракатларига таъсир этишини таъкидлаб, у аҳоли даромадларини камайтирувчи таъсир кўрсатишини, бу орқали уларнинг истеъмол хатти-ҳаракатларига салбий таъсир кўрсатиб, мол-мулк солиғидан қочишга ҳаракат қилишларига олиб келишини эътироф этади [6].

Иқтисодчи олимлардан И.Ниязметов таъкидлашича, юридик шахсларнинг мол-мулклари асосий хусусиятларидан бири шундан иборатки, улар ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддат

хизмат қиласи ва шу билан бирга, ўзининг дастлабки жисмоний кўринишини сақлаб қолади [7]. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган шароитларни яратиб беришда узоқ муддат қатнашса ҳам аста-секин эскириб боради ва эскирган қисмини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига амортизация ажратмаси кўринишида қисман ўтказиб боради. Шунинг учун ҳам корхоналар ушбу мол-мулклардан фойдаланиш жараёнида уларни тўғри ва унумли ишлатиб, имкони борича кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни, ҳар ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўмнинг рентабеллик даражаси оширилишини таъминлашга ҳаракат қиласи.

Шунингдек, мавжуд қонунчиликка кўра барча корхоналар мол-мулклари учун бюджетга солик тўлаш мажбуриятига ҳам эга. Бу солиқлар суммаси мол-мулкларнинг миқдорига қараб мутаносиб равишида ўзгариши мумкин, яъни мол-мулкларнинг қиймати ошган сари солиқлар суммаси ҳам ошиб боради. Бундай солиқ сиёсати корхоналар диққатини ортиқча асосий ва айланма маблағлардан воз кечишига ва энг зарур бўлган мол-мулкларнингни олиб қолиб, улардан унумли фойдаланишга қаратади.

Мамлакат солиқ тизимида мол-мулк солиғини жорий қилишдан кўзланган мақсад, биринчидан, корхоналар ўзларининг хўжалик фаолиятини юритишида ортиқча ва фойдаланилмаган мол-мулкини сотишига қизиқишини уйғотиш бўлса, иккинчидан, корхоналар балансидаги мол-мулқдан самарали фойдаланишни рағбатлантиришдан иборат. Чунки корхоналарнинг маънавий ва жисмоний томондан эскирган асосий воситаларини янги, илғор технология-ускуналар билан янгилаши ишлаб чиқарилаётган товарларнинг баҳосини арzonлаштиради ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

И.Ниязметов ўз илмий ишида бир қатор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мол-мулк солиғини ер солиғи билан бирлаштириб, юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил тартибда амал қиласидиган кўчмас мулк солиғига ўтиш лозимлигини таъкидлайди[8]. Тадқиқотчи Ф.Файзиев ҳам ушбу фикри кўллаб-қув-

ватлаган ҳолда кўчмас мулк солиғини жорий қилиш орқали ҳисоб-китобларни соддалаштириш лозимлигини эътироф этади [9].

О.Мейлиев фикрича, мол-мулк солиғи бир томондан бюджетни молиявий ресурслар билан таъминласа, иккинчи томондан унинг рағбатлантирувчи роли мавжуд мол-мулқдан оқилона фойдаланиш ва мулкий табақаланишини қисқартиришдан иборат[10]. Дарҳақиқат, мол-мулк солиғи молиявий нуқтаи назардан рағбатлантирувчилик ва назорат қилиш, маҳаллий бюджетларни тўлдириш нуқтаи назаридан эса фискал вазифаларни бажаради.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда статистик жадвал ва аналитик таққослаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, гурухлаш усуллари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Корхоналар мол-мулкини солиққа тортиш механизми юридик шахслар мол-мулкига солиқ солиши билан боғлиқ бўлган, солиқни ташкил қилишда бевосита иштирок этувчи элементлар мажмуми ҳисобланади. Бу мажмуда: солиқ субъекти; объекти; солиққа тортиш бирлиги; солиқ ставкаси; солиққа тортиладиган база; солиқ имтиёзлари; солиқни тўлаш муддатлари ва бошқа элементлардан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг балансидаги барча мулклардан солиқ тўлашга мажбур қилиш уни ортиқча бино, иншоотлар, машина ва ускуналардан қутулишга ундаиди. Бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Шунингдек, мол-мулк солиғи даромад ва мулк тақсимотидаги номутаносибликни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши юқори салмоққа эга эмас. Айтиш жоизки, 2016-2020 йилларда мол-мулк солиғини тўловчи юридик ва жисмоний шахслар бўйича солиқ тушумларида кескин ўзгаришлар амалга оширилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

2016-2020 йилларда мол-мулк солиғини тўловчилар бўйича солиқ тушумларининг таққослама кўрсаткичлари

№	Йиллар	Юридик шахслар томонидан тўланган			Жисмоний шахслар томонидан тўланган		
		Солиқ тушуми	Ўтган йилга нисбати	Ўзгариши, %да	Солиқ тушуми	Ўтган йилга нисбати	Ўзгариши, %да
1.	2016	915,8	-	-	445,1	-	-
2.	2017	1 072,8	157,0	117,1	575,6	130,5	129,3
3.	2018	1 897,8	343,6	122,1	708,3	132,8	123,1
4.	2019	1 553,7	-344,1	81,9	752,4	44,1	106,2
5.	2020	1 974,1	420,4	127,0	742,1	-10,3	98,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги 1-жадвал маълумотлари 2016-2020 йилларда мол-мулк солиги бўйича тушумларни акс эттирган. Фақат 2020 йилда коронавирус пандемияси сабабли берилган имтиёзлар туфайли солиқ тушумлари бироз камайган. Лекин кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган солиқ соҳасидаги ислоҳотлар натижасида мол-мулк солиқларини тўловчи юридик ва жисмоний шахслар сони кескин ортиб борганигини эътироф этиш лозим.

Мол-мулк солиқларининг ўзига хос хусусияти бозор муносабатлари ривожланиши миқёсида намоён бўлади. Мантиқан келиб чиққан ҳолда, олдин тўлов манбаига киритилмаган ихтиёрий даромад охир-оқибат аниқ мулк (ҳашаматли уй, катта ер участкаси ва ҳоказолар) шаклида шакллантирилади, давлат эса ривожланган иқтисодиёт орқали юқори даромадга эга бўлган шахслар солиқ юкини кучайтиради.

Мол-мулк солиқлари, шу билан бирга, "санитар" солиқлар деб ҳам юритилади, яъни улар кўчар ва кўчмас мулқдан қанчалик самарали фойдаланишидан қатъи назар ундирилади.

Давлат томонидан мол-мулк солиқларига нисбатан юқори ставкаларнинг кўлланилиши мулқдорлар томонидан хусусий объектларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатларда бўлишга олиб келади ва самарасиз фойдаланилаётган жиҳоз, транспорт ва ер участкаларидан қутулиш заруратини юзага келтиради. Шу асномда Ўзбекистонда мол-мулк солиги солиқ тўловчи томонидан мазкур мулк фойдаланилаётганлигидан қатъи назар ундирилади. Мол-мулк солиқлари миңтақавий бюджетларнинг асосий даромад манбаи ҳисобланади ва бу айнан маҳаллий ҳокимликлар томонидан уларга нисбатан эътибор кучли эканлигидан далолат беради.

Хозирги кунда мустақил республикамизнинг солиқ тизими давлат бюджетини маблағлар билан таъминлашга ва корхоналар фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришга қаратилган. Бу йўналиш солиқ солишининг умумий муаммоларини ҳамда алоҳида солиқларни такомиллаштиришни изчиллик билан ҳал этишини талаб этади. Бироқ республикамизда мол-мулкдан олинадиган солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришда салмоғи учалик катта эмас. Чунки биринчидан, бу солиқ мукаммалликдан узоқ, унга кераклигича аҳамият берилмаган. Иккинчидан, мол-мулк солиги солиқ тизимида орқада қолиб келаётган соҳа бўлиб, улар тўловчиларига қараб: юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солигига бўлинади. Шунингдек, корхоналар ва фуқаролар эгалик қилиши мумкин бўлган мол-мулкларнинг турлари ва миқдори чекланмаган. Эркин бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар то-

монидан амалга оширилаётган қатъий чекланмаган ҳолатлар ўз тасарруфида мавжуд барча мол-мулкини миқдорий жиҳатдан чекланишларсиз уларга эга бўлишига йўл очиб берадиган мулкчилик муносабатларида юз берадиган ўзгаришлар, даромадлар ва моддий бойликларни солиқлар орқали тартибга солишининг аҳамиятини оширади.

Мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси мол-мулк қийматини баҳолашда қатор ишлар қилинган бўлса-да, бу борада ҳозирги кунда долзарб муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси мол-мулк қийматини баҳолаш жараёни билан боғлиқ муаммолар хусусида гап кетганда, асосий эътиборни баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи унсурларга қартиш лозим. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида мол-мулкни баҳолашнинг асосий элементлари сифатида қўйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

- мол-мулкни баҳолашнинг ташкилий-хукукий базаси;
- мол-мулкни баҳоловчи ва мол-мулкни баҳоловчи субъектлар фаолияти;
- мол-мулкни баҳолашни амалга ошираётган субъектнинг маълумот базаси;
- мол-мулкни баҳоловчи ташкилотларни лицензиялайдиган ва мол-мулкни баҳоловчиларга малака сертификатини берувчи субъектлар фаолияти ва ҳоказо.

Тадқиқотчи К.Берри ҳам: "Мол-мулк солиғининг адолатлилиги ва тўғрилиги маҳаллий баҳоловчилар томонидан мулк баҳолаш сифатига боғлиқ", – дея таъкидлайди [11]. У, ҳаттоқи, АҚШда ҳам учалик қиммат бўлмаган объектлар юқори нарх билан баҳоланаётганлиги ва тескари ҳолат ҳам мавжудлигини қайд этади.

Солиқ маъмураниятилиги доирасида юридик шахслардан олинадиган солиқни ундириш механизми узлуксиз такомиллаштирилиб келинмоқда. Аммо таҳлиллар бу соҳада ҳали ҳам ечимини кутаётган айрим муаммолар борлигини кўрсатяпти. Масалан, юридик шахслар тўлайдиган мол-мулк солиги ставкасини белгилаш чоғида мулк тузилмасининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаяпти.

Жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк солиги бўйича оширилган ставкаларни белгилашда шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиralарнинг солиққа тортиладиган майдони, уларда яшовчилар сонидан қатъи назар, ҳисобга олиниб келинмоқда. Ваҳоланки, майдони 500 кв м дан кўп бўлган битта уйда фақат икки кишидан иборат оила ёки 20-30 кишидан иборат оила яшashi мумкин. Бундай ҳолатни юридик шахслар учун ҳам эътиборга олишни муҳим деб биламиз.

Кўчмас мулк обьектлари ўсишига таъсир қилувчи омиллар

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги "Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 445-сонли қарори асосида аниқланган обьектлар

3 йил давомида қурилган янги уйлар хисобига – 130 мингдан ортиқ

рухсатнома олмасдан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳукукини эътироф этиш бўйича ўтказилган бир марталик умумдавлат акцияси, янги хусусий қурилишлар ва ҳоказо

1-расм. Кўчмас мулк обьектлари ўсишига таъсир қилувчи омиллар

Манба: муаллиф ишланмаси.

Корхоналар мол-мулкини солиқка тортишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири иккиёклама солиқка тортишни бартараф қилиш билан боғлиқ. Гап қўшилган қиймат солиғи ва мол-мулк солиғи устида бормоқда. Асосий фондлар дастлаб сотиб олинган вақтда қўшилган қиймат солиғи суммаси билан асосий фондларнинг қиймати бухгалтерия балансига дастлабки қиймат сифатида киритилади. Бироқ мол-мулк солиғи бўйича асосий фондларнинг ўртacha йиллик қиймати аниқланаётган вақтда қўшилган қиймат солиғи суммаси мазкур қийматнинг ичida қолмоқда. Мол-мулк солиғи бўйича асосий фондларнинг ўртacha йиллик қийматини хисоб-китоб қилишда унинг таркибидан қўшилган қиймат солиғи суммаси чегирилиши лозим. Корхоналар мол-мулкини солиқка тортишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан яна бири солиқдан бериладиган имтиёзлар тизими ва уларни такомиллаштиришдир.

Маълумки, солиқ тўловчиларга қонун асосида бериладиган енгилликлар, солиқлар миқдорини камайтириш, солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш ёки алоҳида шахслар ёки тўловчилар гуруҳини солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, солиқ ставкасини пасайтириш, солиқ обьектининг солиқка тортиладиган минимуми, айrim солиқ обьекти элементларини солиқка тортишдан чиқариб ташлаш, солиқ ундириб олишни кечикитириш каби мақсадли ва шунга ўхшаш солиқ имтиёзлари мавжуд. Солиқ имтиёзларини рафбатлантириши ва мақсадга мувофиқ қўлланилишига қараб қўйидагиларга бўлиш мумкин: маълум корхона ва ташкилотларни солиқ тўлашдан тўлиқ озод қилиш; янги тузилган корхоналар учун солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар бериш; солиқ тўлашдан вақтинча озод қилиш; солиқ солинадиган базани камай-

тириш; солиқдан қисман озод қилиш; хорижий ҳамкорларга имтиёз бериш; товар экспортига имтиёзлар бериш ва шу кабилардан иборат [12].

Норматив муддатда қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган обьектларга нисбатан солиқ ставкаси 3 фоиз миқдорида белгиланади. Шунингдек, бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, қурилиши тугалланмаган обьектларга нисбатан қонун ҳужжатларида [13] оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан юридик шахслар учун назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун, фикримизча, қўйидаги таклифларни амалга оширмоқ зарур:

- юридик шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғи ставкасини белгилаш чоғида мулкнинг актив қисми (машиналар ва жиҳозлар)дан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларнинг янгиланишини жадаллаштириш имконини берувчи ставкалар белгиланишига эришмоқ зарур;

- юридик шахсларга жисмоний шахслар каби тўлайдиган мол-мулк солиғи бўйича оширилган ставкаларни белгилашда уйнинг умумий майдонидан эмас, балки унда яшовчиларнинг ҳар бирига тўғри келадиган миқдоридан келиб чиқиш лозим;

- юридик шахслар мол-мулки бўйича солиқ юки ошиб кетганлигини эътиборга олиб, рентабеллиги паст бўлган субъектларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида уларга бериладиган имтиёзли майдон ҳажмини солиқ юкининг ўсишига мутаносиб равишда оширмоқ лозим (жисмоний шахсларга қўлланиладиган тартибда).

Бу таклифларни Ўзбекистон Республикаси солиқ амалиётига жорий қилиш мол-мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий одилликни тиклаш ва шу солиқ турининг бюджетга тушишини кескин кўпайтириш имконини беради.

Назаримизда, мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларида мол-мулкни баҳолашнинг самарали йўлга қўйилишида табиий муҳит ва етарли даражадаги инфратузилма шакллантирилиши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қўйидаги микро-макроиқтисодий масалалар ўзининг ижобий ечимини топиши мақсадга мувофиқ:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги бизнеснинг ривожланишида эркин рақобат муҳити яратилиши лозим. Албатта, рақобат бозорнинг асосий механизмларидан бири ҳисобланиб, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланишида алоҳида ўрин тутади. Эътироф этиш жоизки, мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида мол-мулкни баҳолаш бўйича ташкилий-хуқуқий база яратилди, мол-мулк ва бизнесни баҳолашнинг халқаро амалиётда қўлланиладиган андозалари миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қабул қилинди. Бироқ шунга қарамасдан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида мол-мулкни баҳолашга бўлган талаб паст даражада қолмоқда;

- миллий валютани сотиб олиш қобилиягининг мустаҳкамлигини етарли даражада таъминлаш лозим. Маълумки, бозор иштирокчилари ўртасида амалга ошадиган ҳар қандай муносабат қиймат кўринишида, яъни пулда амалга оширилади. Миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан икки курси, яъни Марказий банкнинг расмий курси ва валютанинг қора бозордаги курси мол-мулкни баҳолашда кучли салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан ҳисобланади. Бунинг таъсири шундан иборатки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг мол-мулкини баҳолаш натижалари кўчмас мулк ва бошқа товарлар бозоридаги реал баҳони акс эттира олмайди. Чунки миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курси, яъни баҳоси сезиларли даражада тебраниб туради;

- мамлакатда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазиятларнинг ўзгариши билан боғлиқ масалалар. Мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида юз берётган ўзгаришлар хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг мол-мулкини баҳолаш жараёнига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Фикримизча, мамлакатнинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий стратегик ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим. Бу мол-мулк ва

активларни баҳолашга ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар. Фикримизча, юқоридагиларда ўз ифодасини топган муаммоларни тўлиқ ҳал этмасдан (ҳисобга олмасдан) туриб, солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб тушишини, бинобарин, халқимиз манфаатларига хизмат қиласдан вазифаларнинг ўз вақтида тўлиқ бажарилишини таъминлашнинг имкони йўқ. Бунинг айнан шундай эканлигини Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро, юридик ва жисмоний шахс, ҳар бир солиқ тўловчи тўлиқ идрок этмоғи лозим деб ҳисоблаймиз.

Юқорида қайд этилган масалаларнинг ижобий ечимини таъминлаш мақсадида қўйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- мол-мулкни баҳолаш бўйича тегишли қўмита ва вазирликлар томонидан қабул қилинаётган меъёрий хужжатларни тўлиқ инвентаризация қилиб чиқиш ва уларнинг ягона электрон тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, мол-мулкни баҳолаш жараёнидаги мавжуд қонунчилик асосларини халқаро тажрибадаги илфор тажрибалар билан бойитиб бориш, баҳолаш жараёнини мулкларни баҳолашнинг миллий андозалари асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

- мол-мулк қийматини баҳоловчи ташкилотлар ўз ходимлари билимини турли семинар, конференция ва малака ошириш курсларида ошириб боришлари лозим;

- мол-мулкни баҳолаш ташкилотлар ҳисоботларининг шаффофлиги ва сифатини ошириш зарур, баҳолаш натижалари сир сақланиши ва улар ошкор этилмаслиги лозим. Шунингдек, “буюртма” тарзида амалга ошириладиган баҳолаш хулосаларини тайёрлашни бекор қилмоқ керак;

- мол-мулк баҳолаш ташкилотлари ўз хизмат турлари йўналишларини белгилаб олиши ва тўлиқ шунга ихтинослашиши лозим;

- мол-мулк баҳолаш ташкилотлари вақти вақти билан рейтинг компанияларининг рейтинг кўрсаткичларини олиб туриши, ўз вебсайтларини яратиши, фаолиятини ёритувчи ахборот, хизмат турлари ва бошқа зарур маълумотларни доимий равища янгилаб бориши мақсадга мувофиқ;

- мол-мулкни баҳоловчи ташкилотларни баҳоланаётган обьект ва унга ўхшаган бошқа обьектлар ҳақидаги маълумот билан таъминлаш мақсадида электрон ахборотлар базасини, шунингдек, барча қизиқувчи ва манфаатдор субъектлар учун кўчмас мулк, бошқа турли даражадаги мулкларнинг олди-сотдиси ҳақидаги маълумотларнинг электрон реестрини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда нафасат хизмат кўрсатиш соҳаси, балки бошқа тармоқлар мол-мulkни баҳолаш жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган қатор долзарб масалалар мавжуд бўлиб, уларнинг бу тарзда намоён бўлиши табий жараёндир. Асосийси, мазкур масалаларни ҳал этишининг қатор имкониятлари ва ечимлари мавжуд бўлиб, уларнинг босқичмабосқич амалиётга жорий этиб борилиши молмulkни баҳолашга бўлган талабни оширишга ва

хизматлар сифатини яхшилашга ижобий таъсир қўрсатади.

Шундай қилиб, мол-мulkни оқилона баҳолаш тизимини шакллантириш орқали талабга жавоб берадиган мол-мulk қийматини аниқлаш ва солиққа тортиш имконияти яратиб берилиши мумкин бўлади. Ҳозирги кунда кичик корхоналарда ушбу тизим амал қилмайди. Уни йўлга кўйиш истиқболда ижобий натижаларни юзага келтиради, солиқ солиши базасини оширишга хизмат қиласди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 йил 29 декабрь, 19 (7521)-сон. 19-б.
2. Интернет ресурс: <https://data.oecd.org/tax/tax-on-property.htm>. Мурожаат санаси: 21.07.2022 й.
3. Kiazolu M.O. An Assessment of Liberia's Real Property Tax Regime: Implications for Local Government Financing. 2022. P. 6.
4. Bird R.M. & Slack E. Provincial-Local Equalization in Canada: Time for a Change? Institute on Municipal Finance and Governance. 2021.
5. McCluskey W., Bahl R. & Franzsen R. Strengthening Property Taxation Within Developing Asia. 2017.
6. Jashari A. The Challenges of Collecting the Immovable Property Tax: The Case of the Republic of Kosovo. Thesis. Rochester Institute of Technology. 2020.
7. Ниязметов И., Воронин С., Корабоев Б. & Угай Д. Международный опыт налогообложения недвижимости. // Общество и экономика, 2021. 2, 119-130.
8. Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириши ўйлари. Монография. – М.: Молия, 2017. – 195 б.
9. Файзиев Ф.А. Солиқ солиши мақсадида кўчмас мулкни бозор қийматида баҳолашнинг ўзига хос ҳусусиятлари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологииялар, 2020, 1-сон. 208-б.
10. Мейлиев О. Мол-мulk солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларидағи аҳамиятини ошириш. // Иқтисодиёт ва таълим, 2022, 23(2), 177-б.
11. Berry C.R. Reassessing the property tax. Available at SSRN 3800536. 2021. https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=3800536
12. Ниязметов И., Воронин С., Корабоев Б. & Угай Д. О пути реформирования налога на имущество в Республике Узбекистан. // Общество и экономика, 2021, 3, с. 30-43.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 666-сон. 2019 йил 13 август.



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев Зафаржон Алижонович -
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Иқтисодий фанлар кафедраси профессори, DSc

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a36

Аннотация. Ушбу мақолада маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш масалалари қўриб чиқилган. Ўрганишлар натижасида маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириши билан боғлиқ мавжуд муаммолар ўрганилган ва тегишили хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджет, тушумлар, солиқ, маҳаллий солиқ,

ВОПРОСЫ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ДОХОДНОЙ БАЗЫ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

Абдуллаев Зафаржон Алиджонович -
профессор кафедры «Экономических наук»
Университета общественной безопасности
Республики Узбекистан, д.э.н.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы расширения доходной базы местных бюджетов. В результате проведенных исследований изучены существующие проблемы, связанные с расширением доходной базы местных бюджетов, и сформированы соответствующие выводы.

Ключевые слова: местный бюджет, доходы, налог, местный налог.